

## Нутқий Жанрларнинг Таснифи Муаммолари

Набиева Дилоро Абдухамидовна<sup>1</sup>, Нурмонова Садокат<sup>2</sup>

**Аннотация:** Ушбу мақолада тилшунос олимларнинг нутқий жанрлар типологиясига бағишиланган турли фикрлари таҳлил қилинган.

**Калит сўз:** нутқий жанр, жанр типологияси, бирламчи жанр, иккиламчи жанр, коммуникатив мақсад, коммуникатив ҳодиса, қасам.

Нутқий жанр назариясининг долзарб масалалари сирасига нутқий жанрларнинг мазмунмоҳияти, таснифи масалалари, типларини ажратиш, у билан чегарадош бўлган генетик жиҳатдан яқин ҳодисалар киради. Шу билан бирга нутқий жанрлар таснифи замонавий нутқий жанрлар назариясининг энг мунозарали ва мураккаб йўналишларидан биридир. Таъкидлаш жоизки, бугунга қадар нутқий жанрлар рўйхатини ҳисобга олмагандан, уларнинг умум томонидан қабул қилинган ягона типологияси мавжуд эмас. Типологик тадқиқотларда жамланган бой илмий тажриба бу каби масалаларга ечим топишда муҳим аҳамият касб этади.

Нутқий жанр типологияси аспектига оид ишларни В.В.Дементьев тўрт гурухга ажратади<sup>3</sup>.

*Биринчидан*, М.Бахтиннинг типологик ғоялари. Гарчи олим нутқий жанрларнинг аниқ таснифни ишлаб чиқмаган бўлса ҳам, нутқий жанрларнинг дастлабки тасниф тамоилларини бериб ўтган.

*Иккинчидан*, М.Бахтиннинг давомчиларидан бўлган Н.Д.Арутюнова, Т.В.Шмелеваларнинг нутқий жанрлар таснифи ҳозирда кенг тарқалган бўлиб, уларнинг таснифи дедуктив умумлашган, нутқий материал бўлгунга қадар ажратилган нутқий жанрларнинг типидир. М.В.Панов, А.Вежбицкая томонидан эса нутқий жанрларнинг миллий-маданий ва қиёсий муаммоларга қаратилган тадқиқот ишлари ҳам мавжуд.

М.В.Панов тилнинг ички ва ташки қонуниятларини ўрганиб, нутқий жанрнинг қуидагича тарихий таснифини беради:

- 1) газетанинг бош мақоласи, ички сиёсий мавзуга оид расмий нутқ, митингдаги чиқиши, суд нутқи, газета фельетони;
- 2) умумтаълими фанлар дарслекларидағи бошланғич бўлимлари, газетанинг илмий кенгаш ҳисоботи;
- 3) хуқуқий акт, ҳарбий низом, шартномалар;
- 4) лирик шеърлар;
- 5) хўжалик диалоглари, дўстона хат.

А.Вежбицкая ўзи ишлаб чиқкан семантик метатилда поляк тилидаги 38 та нутқий жанр рўйхатини келтиради: *савол, илтимос, буйруқ, таҳди, огоҳлантириши, рухсат, миннатдорчилик, табрик, таъзия, кечирим сўраши, комплемент (илтифот кўрсатиш), мақтоб, шикоят ва шикоят нутқи, маъруза, оммабон маъруза, доклад, сұхбат, дискуссия, тортишиув, жсанжаллашмоқ, хотира, мемуарлар, таржисмаи ҳол, кун тартиби, қарор, тушунтириши ҳати, ахборот, эълон, циркуляр, фармойиши, ҳазил, анекдот, флирт (ноз-карашма), қадаҳ сўзи, чақув, гувоҳнома*.

<sup>1</sup> АДУ, филология фанлари доктори, профессор

<sup>2</sup> АДУ, Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

<sup>3</sup> Дементьев В.В. Теория речевых жанров. – Москва: Знак, 2010. – С. 157.



Учинчидан, нутқий жанрларнинг алоҳида типларига, жанрлар гурухларига бағишлиланган тадқиқотлар: этикет жанрлар (Т.В.Тарасенко, Ю.В.Казачкова), ижобий ва салбий эмоционал жанрлар (М.Ю.Федосюк.), расмий нутқ жанрлари (Т.В.Анисимова), табиий ёзма нутқ жанри (Н.Б.Лебедева), ҳукмрон дискурснинг юмшоқ ва қаттиқ жанрлари (Е.И.Шейгал, И.С.Черватюк) ва бошқалар. Тадқиқотчилик ички тасниф қилишга ҳаракат қилишган ва поджанр, субжанрни ажратишган.

Тұртингидан, М.Бахтин томонидан таклиф этилган таснифлашнинг яна бири бирламчи ва иккиламчи ёки оддий ва мураккаб нутқ жанрларига бўлишидир. Бирламчи жанрлар шунчаки нутқда ижро этилади. Иккиламчи-бирламчи факторларни ўзлаштирадилар ва уларни қайта ишлайдилар, ишлатадилар, “ҳаракат қиласидилар”, ўзгартирадилар, кўпинча, қайта кўриб чиқадилар, қайта баҳолайдилар, янги вазифаларга хизмат қилишга мажбур қиласидилар. Олимнинг таъкидича, бирламчи нутқий жанрлар “бевосита нутқий мулоқот”да ўз-ўзидан ривожланиб, устун турди, иккиламчи эса “юксак ривожланган ва уюшган маданий мулоқот”га хосдир.

Кўринадики, нутқ жанрларини фарқлаш ва таснифлашнинг кўплаб тамойиллари мавжуд ва улар бир-биридан фарқ қиласиди. Масалан, уларни қуйидаги тўрт гурухга таснифлаш мақсадга мувофиқ:

- 1) тематик, яъни жанрларни мақсад ёки мавзу бўйича (сиёsat, об-ҳаво, спорт, нархлар ҳақида сухбат; ҳалқаро ахборот, телевидение ёки интернетдаги мамлакат ҳақида маълумот ва бошқалар);
- 2) локал, яъни ташқи ҳолатлар ва алоқа жойи бўйича (бир партияга аъзо бўлган шахслар сухбати, соҳилда, поездда, бозорда);
- 3) ҳамкорлар ҳолати ёки роллари билан (аёллар сухбати, эркаклар сухбати, ҳайвонлар билан сухбатлар, бир бемор билан доктор сухбати, мижоз билан адвокат ва бошқалар);
- 4) коммуникантларнинг ўзаро муносабатлари (табрик, таъзия билдириш, дўстона сухбат, қасам, ваъда) ва бошқалар орқали.

Нутқий жанрлар назарияси коммуникатив-функционал лингвистикадагина эмас, балки лингвистик антропология, социалингвистика, лингвопрагматика, когнитология, матн лингвистикаси, стилистика, риторика, поэтика, культурология, этнография ва фольклорда ҳам ўрганилмоқда.

В.А.Салимовский фикрига кўра, бу илмий йўналишнинг комплекс системасини шакллантириш учун ушбу парадигма асосини белгиловчи, айни пайтдаги турли қарашларни интеграция қилувчи ғояларни белгилаш мухимдир<sup>4</sup>.

В.В.Дементьев нутқий жанрларни тўлиқ лингвистик ўрганиш учун асосий тўсиқ деб бу жанрнинг хилма-хиллигини ва уларнинг вариативлигини келтиради<sup>5</sup>. Яна бир вазиятлар типологияси таҳлилини қийинлаштирадиган муаммолардан бири, “жамиятнинг этнотаксоними”ни ўрганишда аниқ ва ишончли методларнинг йўқлигидир<sup>6</sup>.

Таъкидлаш жоизки, нутқ жанрлари назарияси билан шуғулланадиган мутахассислар кўп саволларга жавоб топиши учун лингвистиканинг бирлигини аниқлаш муаммоси билан тўқнашади. В.Е.Гольдин “Нутқ жанрлари” тўпламининг сўзбошида жанршуносликнинг қуйидаги актуал муаммоларини белгилайди:

- 1) жанр шаклларининг параметрларини белгилаш ва параметрлар орасидаги систем муносабатларни аниқлаш;

<sup>4</sup> Салимовский В.А. Есть ли у жанроведения границы в пределах коммуникативной лингвистики?, Жанры речи, Вып. 3. – Саратов, 2002. – С. 52-62.

<sup>5</sup> Дементьев В.В. Теория речевых жанров. – Москва: Знак, 2010. – С. 77.

<sup>6</sup> Китайгородская М.В., Розанова Н.Н. Речь москвичей: Коммуникативно-культурологический аспект. Институт русского языка им. В.В.Виноградова, – Москва: Издательство Русские словари, 1999. – С. 296.



- 2) жанрлар күп аспектли типологияси ва таснифини яратиш;
- 3) жанршунослик терминлар системасининг асосий оппозицияларини аниқлаш;
- 4) умумлингвистик концептлар системасида жанр тушунчаларининг структур хусусиятини аниқлаш;
- 5) жанр шаклларини тарихий аспектда тадқиқ қилиш<sup>7</sup>.

М.Н.Кожин жанршунослик муаммоларини ечишда иккиламчи жанр хусусиятларини биринчи жанрлар хусусиятларига қиёслаш ва биринчилар таркибидаги иккиламчи жанр трансформацияларини солишириш түғри эканини таъкидлайди. У яна нутқ жанрларининг типологияси ва структураси хусусиятлари, уларнинг стериотип характери ва даражасини аниқлаш, нутқ жанрларининг тарихини ўрганишнинг зарурлиги, турли муроқот шаклларида хар хил нутқ жанрларининг намоён бўлиши каби масалаларни тадқиқ қилиш лозимлигини айтиб ўтади<sup>8</sup>.

Нутқ жанрларининг замонавий таснифлари орасида Т.В.Шмелеванинг таснифи ҳам маълум бўлиб, у коммуникатив мақсадни, жанрларни шакллантирувчи асосий хусусият деб ҳисоблади. Бизнингча, Т.М.Шмелева кўрсатган етти белги (*коммуникатив мақсад, муаллиф концепцияси, адресат концепцияси, ўтган замон коммуникатив фактори, келажак коммуникатив фактори, ҳодиса мундарижаси типи, лингвистик мужассамланиш*)дан ташқари нутқ жанрларини фарқлаш ва таснифлашда миллийлик белгиси ҳам муҳим роль ўйнайди. Чунки ҳар бир миллатнинг ўз дини, ўз эътиқоди, ўзининг табарруқ жойи бўлади.

Нутқий жанр ҳисобланувчи қасам ҳам лингвокультурологик белгиларига кўра тадқиқ обьекти бўла олади, чунки ичилган қасамлар ҳам шунга асосланади. Масалан, “*Охирни бир куни масжидга кирди-йу меҳробнинг олдига бориб, қиблага қараб: “Аллоҳум, уйингда туриб, фарзандларимни ўртага қўйиб қасам ичаман, энди умримнинг охиригача ароқ ичмайман!” деб қасам ичдим. Бу қасамнинг қанчалик масъулиятли ва оғирлигини ҳис қилардим, шунинг учун, ана 20 йил бўлибдики, ароқни қайтиб оғзимга олмадим*”. Ушбу мисолда уч муҳим нуқта: *масжидга кириш, меҳробнинг олдида қиблага қараши, фарзандларини ўртага қўйиши борки, уларга асосланиб ичилган қасам ўта масъулиятли эканлиги англашилади*. Чунки Ислом оламида мусулмон инсонга шуларнинг ўзи етарли, чунки масжид Аллоҳнинг уйи ҳисобланади.

Н.Д.Арутюнова нутқий жанрларининг беш хил типологиясини ажратишни таклиф қиласди:

- 1) информатив-ахборот диалоги (make-know discourse);
- 2) прескриптив диалог (make-do discourse);
- 3) ҳақиқатни аниқлаш ёки ҳал қилиш мақсадида фикр алмаштириш (make-believe discourse);
- 4) шахслараро муроқотларни ўрнатиш ёки тартибга солиш (interpersonal – relation discourse);
- 5) байрам нутқлари жанри (fatic discourse): *a) эмоционал нутқ; б) артистик нутқ; в) интеллектуал нутқ*<sup>9</sup>.

Кўринадики, нутқий жанрлар типологиясига бағишлиланган деярли барча тадқиқотларда информатив нутқий жанрлар фатик нутқий жанрларга зидланади. Бу зидликни Т.Г.Винокур аниқ тарзда ифодалаб берган. Т.Г.Винокур фатика деганда, сұхбатлашиш мақсадида муроқотга киришни тушунади. Фатик интенцияни эса ҳар хил шаклда, кооператив ёки конфликт, яқинлик даражасига кўра коммуникантлар орасидаги талабнинг қондирилиши деб айтади. Информатика

<sup>7</sup> Гольдин В.Е. Имена речевых событий, поступков и жанры русской речи. Жанры речи, Вып.1. – Саратов: университет им.Н.Г. Чернышевского, 1997. – С. 26-31.


<sup>8</sup> Кожина М.Н. Речевой жанр и речевой акт (некоторые аспекты проблем). Жанры речи, Вып.2. – Саратов, 1999. – С. 59-61.

<sup>9</sup> Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. Языки русской культуры. – Москва: Языки русской культуры., 1999. – С. 650.



нуқтаи назаридан эса фатика бирор бир ахборот-маълумотни етказиш мақсадида мулоқотга киришишни тавсифлайди.

Айнан мана шу универсал тамойил фатика ва информатика зиддияти – ҳар хил моделлар ва қурилишларни умум томонидан қабул қилинган ягона турини белгилашга асос бўлади. Кўп тадқиқотчилар И.Н.Борисовнинг кўп аспектли погонавий моделини энг муваффақиятли модель деб тан олишади. Унда матнга таъсир кўрсатадиган коммуникатив ходиса параметрлари чегараланади, коммуникатив вазият атрибулари ва коммуникатив ҳодисанинг жанр турини аниқлаб берувчи социал ва коммуникатив идентификатив бегилари аниқланади. И.Н.Борисов коммуникатив ходиса қурилишини икки аспектда – *вертикал* ва *горизонтал* ўлчамда текширади ва коммуникатив ҳодисанинг асосий структур компонентлари сифатида социал контекст, социал меъёр ва бирлашишнинг ўзаро таъсир усулини белгилайди:



### 1.3-расм. Коммуникациянинг муҳим таркибий қисмлари

И.Н.Борисов нутқ жанри деган тушунчани “коммуникатив ҳодисада нутқ жараёни” деб тушунади<sup>10</sup>. Коммуникатив ҳодиса (*оиласий сұхбат, дарс, семинар, диссертация ҳимояси, маъруза ва ҳ.з.*) бутунлик сифатида коммуникатив эпизодлар силсиласи (*диалогик ва монологик – кичик, содда, элементар, хусусий*)дан ташкил топади.

Бир қатор тадқиқотчилар ижобий ва салбий қутбларига мойил бўлган маросим ва кундалик нутқ жанрлари ўртасидаги фарқни ўрганади. Бироқ, тоифалашнинг бу тури ҳам мутлақ эмас. Замонавий маданиятда қатъий сақланган маросим соҳаси торайиб бораётганини сезмаслик мумкин эмас. Демак, нутқий жанрлар типологик жиҳатдан ҳозиргача тўлиқ тасниф қилинмаган, бунга В.В.Дементьев таъкидлаганидек, нутқий жанрларнинг хилма-хиллиги ва уларнинг нутқда вариативлиги сабаб бўлади. Нутқий жанрларнинг алоҳида турлари ва гурух жанрларининг тадқиқи натижасида анча бой материал тўпланган.

Деярли барча тадқиқотчилар каби биз ҳам ушбу масалада И.Н.Борисовнинг кўп аспектли погонавий моделини энг муваффақиятли модель деб тан оламиз.

### Адабиётлар.

1. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. Языки русской культуры. – Москва: Языки русской культуры. 1999. – С. 650.

<sup>10</sup> Борисова И.Н. Русский разговорный диалог: Структура и динамика. Ком Книга. – Москва: Либроком, 2009. – С. 220.



2. Борисова И.Н. Русский разговорный диалог: Структура и динамика. Ком Книга. – Москва: Либроком, 2009. – С. 220.
3. Гольдин В.Е. Имена речевых событий, поступков и жанры русской речи. Жанры речи, Вып.1. – Саратов: университет им.Н.Г. Чернышевского, 1997. – С. 26-31.
4. Деметьев В.В. Теория речевых жанров. – Москва: Знак, 2010. – С. 157.
5. Китайгородская М.В., Розанова Н.Н. Речь москвичей: Коммуникативно-культурологический аспект. Институт русского языка им. В.В.Виноградова. – Москва: Издательство Русские словари, 1999. – С. 296.
6. Кожина М.Н. Речевой жанр и речевой акт (некоторые аспекты проблем). Жанры речи, Вып.2. – Саратов, 1999. – С. 59-61.
7. Салимовский В.А. Есть ли у жанроведения границы в пределах коммуникативной лингвистики? Жанры речи, Вып. 3. – Саратов, 2002. – С. 52-62.

